# ЕВРОПАНИНГ ВА БОШҚА ҲАММА ҚИТЪАЛАРНИНГ ТИНЧ, ЭРКИН, РАВНАҚ ТОПУВЧИ КЕЛАЖАГИ УЧУН

(Боши биринчи бетда).

Шу масалага қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз. Мамлакатимиз Совет ҳокимияти йиллари мобайнида қанчалик катта ва кўп жиҳатдан машаққатли йўлни босиб ўтганлигини биласизлар, деб ўйлайман. Биз чор Россиясидан ниҳоятда ночор иқтисодий қолоқликни мерос қилиб олган эдик. Аҳолининг тўртдан уч қисми саводсиз эди. Совет Иттифоқи тарихан жуда қисқа муддат ичида халқнинг маданияти юксак даражага кўтарилган қудратли, ҳар жиҳатдан замонавий давлатга айланди. Биз ишсизликка барҳам бердик, аҳолини уй-жой, медицина хизмати, маориф каби социал неъматлар билан бепул таъминладик. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши тўғрисида далолат берувчи бир қанча рақамларни айтиб ўтаман. Урушдан кейинги йилларнинг ўзидагина миллий даромадимиз 16 баравардан зиёд, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 24 баравар кўпайди. Худди шу вақт ичида совет кишисининг реал даромадлари олти баравар ошди.

Муваффақиятлардан фахрланиш бизни хотиржамликка олиб келмайди. Ҳозирги босқичда жамиятнинг ошган етуклиги олдимизга анча кенг миқёсли, ўз мазмунига кўра кўп жиҳатдан янги вазифалар қўяётганлигини кўриб турибмиз. Ишимизда бўлган камчиликларни, мавжуд қийинчиликлар ва проблемаларни, баъзида эса анчагина жиддий қийинчиликлар ва проблемаларни тўла-тўкис англаб турибмиз. Бугун биз олдимизга қўяётган бош мақсадни қисқача қилиб, жамиятни социал ва иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, деб белгилаш мумкин.

Бунинг учун кўп нарсани — халқ хўжалигининг илмий-техникавий базасини ҳам, бошқарув методларини ҳам, инсоннинг ўзини, унинг онги, кўникмалари, малакасини ҳам анча юксак даражага кўтариш талаб этилади. Хуллас, биз жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш йўлидан ҳаракат қила бошладик.

Экономикани янада самарали ва жўшқин, одамларнинг турмушини маънавий бой, тўлақонли, сермазмун қилиш, халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқарувини ривожлантириш — бизнинг бош вазифамиздир.

Мустаҳкам тинчлик билан бирга осойишта, нормал халқаро вазият ҳам ана шу мақсадларга эришишнинг ғоят муҳим шартлари эканлигини тушуниш қийин эмас. Бизнинг ташқи сиёсатимиз айни ана шу афзалликлар билан белгиланади. Табиийки, биз ташқи сиёсатимизда бошқа халқларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини, ҳозирги даврнинг барча реалликларини тўла-тўкис ҳисобга олишга интилмоқдамиз.

Бизнинг дунёмиз, рангбаранг ва зиддиятли дунёмиз аср ва минг йиллик охирига жуда тез яқинлашиб келмоқда. Бу дунё сиёсий, иқтисодий ва социал характердаги мураккаб муаммолар билан тўлиб-тошган. Планетада икки ижтимоий системанинг мавжудлиги аллақачон реал воқелик бўлиб қолди, бу системаларнинг ҳар бири ўз қонунларига мувофиқ яшамоқда ва ривожланмоқда.

Аммо бошқа реалликни ҳам кўриш керак. Бу реаллик шундан иборатки, мамлакатлар билан қитъалар ўртасидаги ўзаро алоқа ва бир-бирига боғлиқлик тобора чамбарчас бўлиб бормоқда. Бу — жаҳон экономикаси ривожланишининг, фан-техника тараққиётининг, ахборот алмашув жадаллашувининг, Ерда ва ҳатто космосда одамлар ва буюмлар ҳаракатининг, хуллас, инсоният цивилизацияси бутун ривожланишининг муқаррар шартидир.

Афсуски, цивилизация ютуқлари ҳамиша ҳам инсонлар неъматига айланавермайди. Фан ва техника ютуқларидан инсонни қириш воситаларини яратиш учун, қурол-яроғларнинг тобора даҳшатли турларини яратиш ва тўплаш учун ҳам ҳаддан ташқари тез ва ҳаддан ташқари актив фойдаланилмоқда.

Шундай бир шароитда Гамлетнинг «Ё ҳаёт, Ё мамот» деган машҳур гапи эндиликда айрим бир шахсга эмас, балки инсоният зотига тааллуқли бўлиб қолди. Бу муаммо жаҳоншумул муаммога айланиб қолмоқда. Бунинг жавоби фақат битта бўлиши мумкин, бу ҳам бўлса инсоният, цивилизация қандай қилиб бўлмасин омон қолиши керак. Аммо буни фақат биргаликда яшашни, шу кичик сайёрада ёнма-ён яшашни ўрганиш, бир-бирларининг манфаатлари билан ҳисоблашишдек қийин санъатни эгаллаш йўли билангина таъминлаш мумкин. Биз буни тинч-тотув яшаш сиёсати, деб атаймиз.

Биз халқимизнинг хавфсизлиги ва тинч меҳнатига тажовуз қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишга қақшатқич зарба бериш учун етарлича кучлимиз. Аммо биз ҳар бир халқ ўз идеологияси тўғрилигини, ўз ихтиёри билан танлаб олган тузумнинг афзалликларини қурол кучи билан эмас, балки фақат ва нуқул намуна кучи билан исботлаши керак, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг қатъий эътиқодимиз мана шундай.

Мен кеча Президент жанобларига зиддиятларнинг асосий ўқини, жаҳон сиёсатидаги икки тенденция курашини тушунишимиз тўғрисида гапирган эдим. Халқаро ҳамжамият олдида турган вазифаларни Ерда ҳам, космосда ҳам тобора янги ва тобора кўпроқ вайронгарчилик келтирадиган қурол турларини яратиш ҳамда тўплаш билан ҳал этиш мумкин, деган фикр қай тарзда оқланишидан қатъи назар, бизга ниҳоятда хатарли бўлиб туюлмоқда. Халқаро кескинликни сақлаб қолаётган ва кучайтираётган ҳаракатлар ҳам биз учун хатарлидир. Халқаро вазият бусиз ҳам кескинлашиб кетган. Шу қадар кескинлашганки, ҳозир кечиктириб бўлмайдиган мураккаб масалалар юзасидангина эмас, балки оддий проблемалар хусусида ҳам аҳдлашиб олиш ниҳоятда қийин бўлиб қолди. Ҳозир амалдаги тенденцияларни тўхтатиб қолмасак, эртага уларнинг мудҳиш инерциясини бартараф эта олмай қолиш мумкин. Сўзлашиш яна ҳам мушкуллашади.

Шу боисдан ҳам биз вақт ғаниматда ҳозирнинг ўзидаёқ дарҳол қуролланиш пойгасининг «жаҳаннам поезди»ни тўхтатиб қолишни, қурол-яроғларни қисқартира бошлашга киришишни, халқаро вазиятни соғломлаштиришни, халқлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришни шу қадар муҳим деб ҳисобламоқдамиз. Бу — ўзаро манфаатли иш бўлиб, умумий вазифадир. Ҳеч ким ўзини четга торта олмайди.

Эҳтимол, ўзларингиз билсангиз керак, Совет Иттифоқи шунга даъват этибгина қолмай, балки бу йўналишда ҳаракат ҳам қилмоқда.

Биз Европада ўртача олислик ракеталарини бундан буён жойлаштиришни ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйдик ва Қўшма Штатларни худди шундай қилишга даъват этдик. Барча ядро портлатишларини тўхтатдик ва АҚШни худди шундай иш тутишга даъват этдик. Табиийки, биз ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларга ҳам шундай даъват билан мурожаат этамиз.

Совет Иттифоқи Марказий Европада иккала томоннинг Қуролли Кучлари ва қурол-яроғларини камайтиришга киришишни ҳамда бу ишни Совет ва Америка қўшинларини камайтиришдан бошлашни таклиф этади. Бунда биз американликларга қараганда кўпроқ қўшинни камайтиришга тайёрмиз.

Космосга келганда шуни айтиш керакки, биз ундан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш тарафдоримиз ва шу ҳақда аҳдлашиб олишга қатъий даъват этамиз. Чунки қуролланиш пойгасининг космосга ёйилиши ядро аслаҳахоналарини қисқартиришга объектив равишда имконият қолдирмайди. Ўзларингизга маълумки, биз космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида БМТга таклиф киритдик.

Ҳозир эса мен сизларга Совет Иттифоқи кўраётган янги тадбирларни маълум қилмоқчиман. Бу тадбирлар айни ўша мақсадни: қуролланиш пойгасининг ҳалокатли жараёнини тўхтатиб қолиш, инсоният боши узра пайдо бўлган уруш хавфини бартараф этиш мақсадини кўзлайди.

**Биринчи.** Яқинда биз АҚШ ҳукуматига мурожаат этиб, иккала томон учун зарбдор космик қуролларни батамом тақиқлаш ва бир-бирларининг территориясига етиб борадиган ядро қуролларини ҳақиқатан ҳам тубдан, 50 процент қисқартириш тўғрисида аҳдлашиб олишни таклиф қилдик.

Бошқача сўзлар билан айтганда, биз шу йилнинг бошида иккала томон Женева музокараларининг мақсадлари сифатида келишиб олган айни ўша вазифалар: қуролланиш пойгасини тўхтатибгина қолмай, шу билан бирга қурол-яроғлар даражасини кескин қисқартириш ва айни вақтда космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш тўғрисидаги вазифаларни амалда ҳал этишни таклиф қилмоқдамиз.

Мана шуларнинг ҳаммаси стратегик барқарорликни ва ўзаро ишончни нақадар мустаҳкамлаши тўғрисида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Сизларга шуни маълум қила оламанки, Женевадаги делегациямизга ушбу масала юзасидан конкрет таклифлар киритиш тўғрисида кўрсатмалар ва музокарадошларга тўла-тўкис изоҳлар бериш ваколатлари берилган.

Буларнинг ҳаммасини сизларга шунинг учун айтмоқдаманки, ҳозирдаёқ Ғарбда бизнинг таклифимиз хусусида кўпдан-кўп ҳар хил фикрлар ва нотўғри талқинлар юзага келган, бинобарин бирмунча равшанлик киритиш пайти келди.

**Иккинчи.** Европадаги ўртача олислик ядро воситалари тўғрисида. Шундай воситаларни тезроқ ўзаро қисқартириш тўғрисида аҳдлашувга эришишни енгиллаштириш мақсадида (бизга тез-тез айтишларича, бундан Ғарбий Европадагилар ҳам жуда манфаатдордирлар) биз космик ва стратегик қуроллар проблемаси билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида тегишли битимни тузиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бундай йўл амалий бўлиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Шу муносабат билан Европа кучлар балансида Франция ва Англия ядро потенциалининг ўрни каби масала хусусидаги позициямизни тушунтириб бериш муҳим, деб ҳисоблайман. Бу потенциал тез ўсиб бормоқда ва энди биз ундан кўз юма олмаймиз. Франция томони Франциянинг ядро кучлари унинг иштирокисиз муҳокама қилинмаслигини уқтириб ўтган эди. Бу ҳақ гап. Демак, шу мавзуда ўртамизда бевосита музокара бошлаш ва биргаликдаги куч-ғайрат билан ўзаро мақбул йўл топишга уриниб кўриш пайти келди. Совет Иттифоқи Франция билан, худди шунингдек, ўз-ўзидан равшанки, Англия билан ҳам ана шундай бевосита музокарага тайёр.

Бунда биз Франция хавфсизлиги манфаатларини жуда эътибор билан ҳисобга олажагимизни таъкидламоқчиман. Бугун эса, бизнинг фикримизча, унинг қурол яроғларини қисқартириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилган эмас.

**Учинчи.** Биз Европада ўртача олислик ракеталарини жойлаштирмай туришни эълон қилганлигимизни биласизлар. Совет Иттифоқи Европа зонасида жанговар навбатчиликка эга бўлган СС-20 ракеталари сони ҳозир 243 тани ташкил қилади. Бу — 1984 йил июнь ойидаги даражага аниқ мос келишини билдиради, ўшанда Американинг ўртача олислик ракеталари Европада жойлаштирилишига жавобан бизнинг ракеталаримиз қўшимча равишда жойлаштирила бошланган эди. Бунда қўшимча равишда жойлаштирилган СС-20 ракеталари ҳозирги вақтда жанговар навбатчиликдан олинган, ана шу ракеталарни жойлаштириш учун мўлжалланган доимий иншоотлар эса яқин икки ой ичида кўчириб олиб кетилади. Буни контрол қилиш мумкин. Бунда Қўшма Штатлар территориясининг ўзига нисбатан бизнинг жавоб чораларимиз ҳамон ўз кучида қолмоқда.

Биз шу топда «Европа зонаси» деган иборага қандай маъно бераётганлигимизни ҳам тушунтирмоқчиман. Бу — Ғарбий Европа территориясидаги объектларни яксон қила оладиган ўртача олислик ракеталари жойлаштирилган зонадир.

Бунга шуни илова қилиш керакки, биз эски ва жуда қудратли СС-5 ракеталарини аллақачон батамом қуроллар қаторидан олиб ташладик ва СС-4 ракеталарини олиб ташлашни давом эттирмоқдамиз. Демак, умуман СССРнинг Европа зонасидаги ўртача олисликка учирувчи ракеталар сони эндиликда бундан ўн ёки ҳатто ўн беш йил илгаригига қараганда анча камдир.

Биз ўзимизни мана шундай чеклар эканмиз, Европа хавфсизлигининг кенг кўламдаги манфаатларига амал қилмоқдамиз. Энди Европа Америка Қўшма Штатларининг жавоб тадбирини — у ўзининг ўртача олислик ракеталарини Европа қитъасида бундан буён жойлаштиришни тўхтатишини кутишга ҳақли деб ўйлайман.

Совет Иттифоқи қандай жиддий қадамлар қўяётганлигини кўриб турибсиз-ку. Бизнинг кейинги таклифларимиз аввалги тадбирларимиз билан қўшилиб, амалий ва реалистик комплекс бўлади, деб ўйлаймиз, ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши халқаро муносабатларни ривожлантиришда чинакам бурилишга олиб келган бўлур эди. Халқлар ўртасида тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик манфаатлари йўлидаги бурилишга олиб келган бўлур эди.

Истасангиз, бу — тинчликка таҳдид солаётган ғоят хатарли халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган программамиздир. Ғарб ҳам бизнинг таклифларимизга жавобан шу йўлдан боришини кутамиз.

Шуни таъкидламоқчиманки, биз олға сураётган программанинг амалга оширилиши барча халқлар учун шу қадар матлуб, шу қадар муҳим мақсад — ядро қуролини тақиқлаш ва уни батамом тугатиш, инсониятни ядро уруши хавфидан батамом халос қилиш мақсади сари муҳим силжишни ҳам билдирган бўлур эди.

Ядро урушида ғолиблар бўлиши мумкин эмас — чамаси, масъулиятни ҳис этувчи барча сиёсатдонлар бу фикрга қўшиладилар. Энди бундан амалий хулоса чиқариш — ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш пайти келди. Биз барча соф ниятли, реалистик фикрдаги сиёсий кучлар, жамоат арбоблари, ўз Ватани, ўз ҳаёти, фарзандлари ва набираларининг ҳаёти азиз бўлган барча кишилар бу талабни қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлаймиз.

Химия қуролини батамом тақиқлаш ва унинг запасларини тугатиш вазифаси тобора муҳим бўлиб қолмоқда. Женевада қуролсизланиш юзасидан олиб борилаётган конференцияда Совет Иттифоқи тегишли конвенция ишлаб чиқишда актив қатнашмоқда. Биз бир қанча жиддий жиҳатларда, шу жумладан, контрол қилиш соҳасида музокарадош шерикларимизга ён босмоқдамиз. Ишончли контрол тўғрисида бемалол келишиб олиш мумкинлигига ишончим комил.

Дарвоқе, бу ишда мана бундай фикр ҳам келиб чиқади. Башарти ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида бир битимга келишга муваффақ бўлинган экан, нега энди худди шу усулни химия қуролига нисбатан ҳам қўлланиш мумкин эмас? Бу ҳол химия қуролини батамом тақиқлаш юзасидан кўрилаётган умумий куч-ғайратлар оқимига тўғри келган бўлур эди. Совет Иттифоқи химия қуролини тарқатмаслик тўғрисида халқаро битимни ишлаб чиқишда қатнашишга тайёр бўлур эди. Биз, Европа марказида химия қуролидан холи зонани вужудга келтириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга ҳам тайёрмиз.

Бу ерда, айтиш мумкинки, Ғарбий Европанинг юраги бўлган Парижда сўзлай туриб Европа хавфсизлигининг баъзи катта проблемалари ҳақида, биз Совет Иттифоқида кўриб турган проблемалар тўғрисида гапирмай ўтолмайман.

Энг умумий масаладан бошламоқчиман. Гапнинг сирасини айтганда, Европадаги хавфсизлик нима дегани? Бу — уруш ва уруш хавфи йўқ дегани. Халқларнинг танлаб олган социал йўллари ҳар хил бўлишига қарамай, уларнинг тақдири ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига чирмашиб кетганлиги Европада алоҳида куч билан сезилиб турибди. Европа географик жиҳатдан зичлиги, қурол-яроғлар билан қалашиб кетганлиги сабабли бошқа ҳар қандай қитъага қараганда қуролли можаро олдида, айниқса, ядро можароси олдида ҳимоясиздир.

Демак, Европанинг хавфсизлигини ҳарбий воситалар билан, ҳарбий куч билан таъминлаш мумкин эмас. Бу мутлақо янги вазият бўлиб, асрлар, ҳатто минг йиллар мобайнида анъаналар билан фикрлар тарзи ва ҳаракат тарзи билан шаклланган тушунчалардан бутунлай фарқ қилади. Инсон тафаккури барча янги нарсаларга дарҳол мослаша олмайди. Бу ҳаммага тааллуқлидир. Биз буни ҳис этиб турибмиз, биз одатдаги кўпгина нарсаларни, шу жумладан, ҳарбий ва, албатта, сиёсий соҳалардаги нарсаларни қайта идрок этиб, уларни янги реалликларга тўла мувофиқ ҳолга келтира бошладик. Ғарбий Европада ҳам, унинг ташқарисида ҳам худди шундай идрок этилишини истар эдик.

Ҳозирча йўл қўйиб бўлмайдиган қасос олдидаги қўрқув урушга, ҳарбий куч ишлатишга тўсиқ бўлиб турибди. Аммо биргина қўрқув билан мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мумкин эмаслигини ҳамма тушуниб турибди. Бироқ бутун масала шундаки, қўрқувнинг ёки ҳарбий ибора билан айтганда, қўрқитишнинг ўрнини оладиган нарсани қаердан топиш мумкин?

Ҳозир «самовий урушлар» деб аталган урушда янги қуролни қўлланиш ҳисобига бунинг чорасини топиш йўлларини излашга уринаётганликларини кўриб турибмиз. Бу — хом хаёлдир. Хом хаёл бўлганда ҳам, ниҳоятда хатарли хом хаёлдир. Умуман хавфсизлик проблемаларини ҳал этиш йўлини қалқон билан қилични такомиллаштиришдан излаш гўлликдир. Умуман, халқаро хавфсизликда бўлгани сингари Европадаги хавфсизликка ҳам фақат тинч-тотув яшаш, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, ишончни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўли билангина эришиш мумкин.

Бу узоқ ва машаққатли йўл бўлиб, бунинг устига, неча ўн йиллар мобайнида тўпланиб қолган ўзаро шубҳа, ишончсизлик, нотўғри тушунчаларни бартараф этишни талаб қилади. Башарти биз яшашни истар эканмиз, бундан бошқа йўл йўқ. Ҳар бир узоқ йўл дастлабки одимлардан бошланганидек, кўпинча ана шу одимни ташлаш, айниқса, машаққатли бўлади. Биз буни тушунамиз ва ўзимизга ҳам, сизларга ҳам бу вазифани ҳал этишни таъминлашда ёрдамлашмоқчимиз. Мен юқорида айтиб ўтган таклифлар айни шу руҳ билан суғорилгандир.

Ҳарбий соҳада ўзаро ишончнинг муҳим проблемасини муҳокама этаётган Стокгольмдаги конференцияга ҳам бу гап тааллуқлидир. Назаримизда, у ерда келгусида эришиладиган битимларнинг белгилари аста-секин аён бўлиб бормоқда. Бу битимлар куч ишлатмаслик принципини конкретлаштиришни ва унга мумкин қадар кўпроқ таъсирчанлик бахш этишни ўз ичига олади. Бу битимлар ҳарбий соҳада ишонч чораларининг муайян тўпламини ўз ичига олади, бу тадбирлар ҳарбий мухолифлик кескинлашган шароитда бошқа томоннинг хатти-ҳаракатини нотўғри талқин этишдан ўзига хос асрагич ҳисобланади. Бир қанча давлатлар, аввало бетараф давлатлар бир-бирига хабар қилиб туриши керак бўлган ҳар йилги ҳарбий фаолият режалари билан ўзаро айирбошлаб туриш ҳақида келишиб олишни таклиф этишмоқда. Биз бундай битим шубҳаланишни бартараф этишга ёрдам бериши, урушга яширинча тайёргарлик олиб боришни қийинлаштиришни ҳисобга олиб, шундай битим тузишга тайёр эканлигимизни изҳор этмоқдамиз.

Дунёнинг турли районларида, шу жумладан, бизнинг қитъамизда — Европа шимоли ва Болқонда ядросиз зоналар вужудга келтириш ғояси тобора кенг тарқалмоқда. Биз бу ғояларни қўллаб-қувватлаймиз, талаб қилинган жойларда уларга тегишли гарантияларда қатнашишга тайёрмиз. Иккала ҳарбий-сиёсий гуруҳни ажратиб турган йўлнинг икки томонида ядро қуролидан холи йўлка яратиш ғояси ҳам биз учун фойдали ғоя бўлиб туюлмоқда. Ядро қуролига эга бўлмаган давлатлар ва ўз территориясида бу қурол бўлмаган давлатлар ўз хавфсизлигининг пухта халқаро-ҳуқуқий гарантиясига, уларга қарши ядро қуроли ишлатилмайди, деган гарантияга эга бўлиш ҳуқуқига тўла ҳақлидирлар, деб ҳисоблаймиз.

Умумевропа ҳамкорлигининг кўпгина жиҳатлари Хельсинкидаги Якунловчи актда мустаҳкамлаб қўйилган. Биз бу акт жиддий муваффақиятдир ва ўз аҳамиятини тўла сақлаб қолмоқда, деб ҳисоблаймиз. Хельсинки аҳдномаларининг ўн йиллиги нишонланган кунларда Умумевропа жараёнининг барча иштирокчилари уни давом эттиришни ёқлаб чиқдилар. Совет Иттифоқи унда ғоят актив иштирок этишга тайёрдир. Европадаги ҳар бир мамлакат Хельсинки жараёнига ўз миллий тажрибасининг улушини қўшди. У Европа халқларининг муштарак бойлиги бўлиб, уни биргаликда куч-ғайрат сарфлаб асраш ва кўпайтириш керак.

Европадаги сиёсий иқлим Ғарб билан Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқалар қай тариқа кўп жиҳатдан ривожланишига боғлиқдир. Бу ишга ҳам новаторлик билан ёндашиш зарур. Бугун ҳар бир мамлакат олдида турган саноат, техника ва илмий тараққиёт вазифаларини ҳал этиш халқаро меҳнат тақсимотидан самарали фойдаланиш билан анча енгиллашган бўлур эди. Совет Иттифоқида биз бунга тайёрмиз, шу жумладан кооперациялаш ва ҳамкорликнинг янги формаларини излашга ҳам шаймиз. Равшанки, бундай ҳамкорликни ўзаро манфаатли, тенгҳуқуқлилик, ишларни пухта юритиш асосида олиб боришга тайёрмиз.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ўртасида анча амалий муносабатлар ўрнатилиши ҳам фойдали бўлур эди, деб ўйлаймиз. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар бу соҳада ижобий ташаббус бошлаб бердилар. Чамаси, бу ташаббус қониқиш билан кутиб олинди. Бу ташаббуснинг конкрет натижалар бериши муҳимдир. Бунда, айтиб ўтилганидек, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мамлакатлари «сиёсий бирлик» сифатида чиқаётган тартибда биз улар билан конкрет халқаро проблемалар юзасидан ҳам умумий тил топиш йўлини излашга тайёрмиз. Буни турли формаларда, парламент алоқаларини ҳам қўшиб, шу жумладан, Европа парламентига аъзо бўлганлар билан ҳам амалга ошириш мумкин бўлур эди.

Европадаги барча мамлакатларнинг куч-ғайратини бирлаштирмасдан туриб, қитъамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштиришдек кескин проблемани ҳам чинакамига ҳал этиш мумкин эмас. Образли қилиб айтганда, қитъамизнинг кўпгина районларида замин оёғимиз остида бамисоли аланга олмоқда, осмондан олов ёмғири ёғмаётган бўлса ҳам кислота ёмғири ёғмоқда, тутуннинг кўплигидан осмоннинг ўзи кўринмаяпти. Европадаги дарёлар ва денгизлар ҳам аянчли аҳволга тушиб қолмоқда. Ўз вақтида бизларнинг ҳаммамиз энди умуман миллий доирада ҳал қилиб бўлмайдиган проблемаларни юзага келтириб, чамаси етарли даражада узоқни кўриб иш тутмадик. Ҳаммамиз қитъанинг тақдири муштараклигини англашимиз зарур бўлган ҳақиқий соҳа мана шулардан иборат.

«Гуманитар» деб аталган кенг соҳада ҳам кўп нарсаларни қилиш мумкин. Умумий куч-ғайрат сарфлаб, ўтмишнинг маданий бойликларини сақлаб қолиш, инсоният маънавий бойликлари бешиги бўлган Европада ўзаро бойитишнинг йўлларидан бири бўлган маданий айирбошлашлар ғоят катта диққат-эътиборни талаб қилувчи нарсалар эмасми, ахир? Биз бир неча кундан кейин Будапештда очиладиган «маданий анжуман» деб аталмиш катта воқеага зўр қизиқиш билан тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бир-бирининг ҳаёти тўғрисида хабардор қилиб туришни кенг йўлга қўйиш, ўзаро хайрихоҳлик ва ҳурмат-эҳтиром туйғуларини ривожлантириш ҳам шу соҳага тааллуқлидир. Бир-бирининг тилини ўзаро ўрганиш шу нуқтаи назардан катта аҳамиятга эгадир. Мактаб ўқувчилари, студентлар, ўқитувчиларни ўзаро юбориб туриш истиқболли ишдир. Лекин муҳими — ёш авлод бир-бири ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишидадир. Чунки, тинч Европани ёшлар барпо қилади. Касалликларга — эски ва янги касалликларга қарши курашда кучларни бирлаштириш ғоят муҳим вазифа ҳисобланади.

Совет Иттифоқи инсон ҳуқуқини таъминлашга ғоят жиддий аҳамият бермоқда. Фақат бу проблемани юзсизлик ва чайқовчиликдан, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашишга интилишлардан халос қилмоқ керак. Бугунги Европа олдида муҳожир ишчиларнинг аҳволи, аралаш никоҳлар, оилаларнинг бир-бирига қўшилиши каби проблемалар ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Биз бундай проблемаларга барча давлатларнинг суверен ҳуқуқларига тўла ҳурмат билан қараб, ижобий ва инсонпарварлик руҳида ёндашиш тарафдоримиз.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Ҳозирги вазиятда ўрта аср мутаассиблари сингари идеологик келишмовчиликларни давлатлараро муносабатлар даражасига олиб чиқмаслик, айниқса, муҳимдир. Бу муносабатлардаги барқарорлик, сиёсий конъюнктурага берилмаслик умуман Европадаги барқарорликни ҳам мустаҳкамлайди.

Биз, масалан, ташкилотлар сифатида Варшава Шартномаси билан Шимолий Атлантика Иттифоқи ўртасида бирон-бир формада алоқа боғлаш имконияти бир умр ман этилган нарса, деб ҳисобламаймиз. Мен бу ерда узоқ ва яқин истиқболда Европанинг бир-бирига қарши турувчи гуруҳларга бўлинганини бартараф этиш ҳақида гапирмаяпман. Маълумки, биз ўз иттифоқчиларимиз билан айни шу нарсани таклиф этмоқдамиз. Иккита блок мавжуд бўлиб турган шароитда ҳам, бизнинг фикримизча, ҳозирги мухолифлик тиғини ўтмаслаштириб турадиган икки томонлама тинчликни яратиш мумкин.

Бугунги кунда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги жўшқин сиёсий мулоқотни ривожлантириш, унинг йўлга қўйилган барча формаларидан — турли даражаларда мунтазам учрашувлар, албатта, олий, сиёсий маслаҳатлашувлардан ҳам, илмий ва маданий жамоатчиликнинг кенг алоқаларидан фойдаланиш ҳар қачонгидан муҳимдир.

Парламентларнинг алоқаларини ривожлантиришни ҳам ғоят муҳим иш, деб ҳисоблаймиз. Парламент биносида сўзлар эканман, буни алоҳида уқтириб ўтишни истардим. Шу жумладан, Франция билан парламент алоқаларини ривожлантириш зарурлигини ҳам алоҳида уқтирмоқчиман. Франция Миллат мажлиси ва сенатининг депутатлари Москвада азиз меҳмонлар сифатида кутиб олинишларига амин бўлишлари мумкин. Буни мен СССР Олий Совети номидан айтяпман.

Нисбатан қисқа муддатларда қитъамизда вазиятни соғломлаштиришга реал эришиш мумкинлиги тўғрисидаги, ҳозирги мухолифликларни бартараф этишда Европанинг ролини ошириш ҳақидаги бизнинг фикрларимиз умумий тарзда мана шундайдир.

Яна бир жиҳатни айтмоқчиман. Ҳозир турли районлардаги мавжуд низолар ва кескинлик манбаларини тугатиш учун янада актив, баҳамжиҳат ҳаракат қилиш зарурлиги ҳар қачонгидан кўра кўпроқ сезилмоқда. Совет Иттифоқи билан Франция бир-бирига қарши бўлган ҳарбий-сиёсий гуруҳларга мансублигига қарамасдан, ҳозир мавжуд бўлган бир қанча регионал проблемалар ва вазиятларга ёндашишда кўп жиҳатдан умумий бир фикрда турганлиги реал факти ҳам шундай баҳамжиҳат ҳаракат қилиш мумкинлигига бир мисолдир. Масалан, Яқин Шарқдаги, Марказий Америкадаги, Жанубий Африкадаги ва бошқа жойлардаги аҳвол шулар жумласидандир. Бизнинг Франция раҳбарлари билан алоқаларимиз шуни тасдиқламоқда.

Ғарбий Европа билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришни таклиф этар эканмиз, биз НАТОга кирган ва айни пайтда Хельсинки актини имзолаган Канаданинг бу ишларга ҳисса қўшиши мумкинлигининг аҳамиятини асло камситмоқчи эмасмиз. Бизнинг Европадаги сиёсатимиз Америкага қарши йўналишга ҳам эга эмас.

Бу мавзуда озмунча лўттибозлик қилинаётгани йўқ. Шу сабабли унга муфассалроқ тўхталиб ўтишга ижозат этгайсиз. Бизни Ғарбий Европа билан муносабатларни яхшилай бориб, гўё Ғарбий Европа билан АҚШ ўртасига нифоқ солмоқчи, уни АҚШ билан уруштириб қўймоқчи деган масала қўйилишининг ўзи бемаънилкдир. Биринчидан, биз Ғарбий Европа билангина эмас, балки АҚШ билан ҳам яхши муносабатда бўлишни хоҳлаймиз. Дарвоқе, Хитой, Япония, бошқа мамлакатлар билан ҳам шундай яхши муносабатларда бўлмоқчимиз. Биз бир давлатни иккинчисига қарши гиж-гижлаш, блоклар ва қарши блоклар тузиш, «ўқ» ва «уч бурчаклар» вужудга келтиришдан иборат «кучлар баланси» меттернихча сиёсатни эмас, балки ёппасига кескинликни юмшатиш бутун дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ялпи халқаро ҳамкорликни ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқдамиз. Иккинчидан, биз реалистлармиз ва Ғарбий Европа билан АҚШни боғлаб турган тарихий, сиёсий, иқтисодий алоқалар нечоғлик мустаҳкам алоқалар эканлигини тушунамиз.

Ҳурматли депутатлар! Инсониятнинг энг донишманд кишилари онгимиз турмушнинг илдам ўзгариб бораётганлигидан орқада қолиши хавф-хатаридан огоҳлантирган эдилар. Бу гап бизнинг кунларимизда, айниқса, муҳимдир. Инсон ҳозироқ галактика манзилларига йўл олмоқда. Аммо Ер юзида ҳали қилинмаган қанчадан-қанча ишлар бор! Мавжуд проблемаларни бирор халқ ҳам, бирор давлат ҳам ёлғиз ўзи ҳал этишга қодир эмас. Алоқаларнинг узилиб қолганлиги, мухолифлик, ишончсизликнинг эски юки уларнинг бирлашишига имкон бермаяпти.

Ушбу залда ўтирганлардан ҳаммаси ҳам бизнинг дунёқарашимизни, идеологиямизни қабул қилмаслигини биламан. Реалист сифатида ҳеч кимни бизнинг эътиқодимизни қабул қилдиришга интилмайман. Ҳар қандай фалсафага одамлар ва халқларнинг ўзлари уларни бошидан кечириб, ақл ва қалби билан қабул қилгандан кейингина келишади. Аммо сиёсий ва фалсафий қарашлардаги фарқларга қарамай, идеаллар ва бойликларда ҳамиша бир нарсани эсда тутишимиз керак: бизларнинг ҳаммамиз ўтмиш авлодлар бизга ҳадя этган ҳаёт оловини сақловчилармиз.

Уларнинг ҳар бирининг ўз миссияси бўлиб, ҳар бири жаҳон цивилизациясини ўзича бойитди. Уйғониш даври ва Буюк Француз революцияси даврининг улкан донишмандлари, Россияда Октябрь революциясининг қаҳрамонлари, Ғалабалар ва Қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари қаҳрамонлари — уларнинг ҳаммаси тарих олдидаги бурчларини бажардилар.

Бизнинг авлодимиз ҳақида нима деса бўлади? Бу авлод буюк ихтироларни амалга оширди, лекин у инсон зотини йўқ қилиб юбориш усулларини ҳам топди. Учинчи минг йиллик арафасида биз ядровий «алхимия»нинг қора китобини ёндириб ташлашимиз керак. Йигирма биринчи аср ялпи ҳалокатдан қўрқувсиз дастлабки ҳаёт асри бўлсин.

Куч-ғайратларимизни бирлаштирсак, биз бу миссияни бажара оламиз. Совет Иттифоқи Европа ва бошқа барча қитъаларда тинчлик, эркинлик, истиқболнинг гуллаб-яшнашини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёрдир. Бу йўлда биз куч-ғайратимизни аямаймиз.

* * *

М. С. Горбачевнинг нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шу учрашувдан хотира бўлсин деб, Миллат мажлисига совет-француз илмий аппаратлари ўрнатилган планеталараро «Вега» станцияси макетини туҳфа қилиб топширди.

# А. А. ГРОМИКО АВСТРИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

3 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Австрия Миллат Кенгашининг Президенти А. Бенья бошчилигидаги Австрия парламенти делегациясини қабул қилди. Делегация составида Австриянинг қонун чиқарувчи олий органига кирган барча партияларнинг вакиллари бор.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида томонлар ҳозирги халқаро аҳвол ва Совет — Австрия муносабатларининг бир қанча энг муҳим масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Халқаро вазият ҳамон кескинлашаётганлигидан хавотирлик изҳор қилинди. Ҳар иккала томон барча давлатлар — ядро қуролига эга бўлган ва эга бўлмаган, кичик ва катта давлатлар уруш хавфини бартараф этиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун янада активроқ курашишлари зарур, деган фикрни билдирдилар. Унда мамлакатларнинг тинчликни сақлашга қаратилган биргаликдаги куч-ғайратлари муҳим аҳамият касб этади. Кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасида конструктив ҳамкорликка қайтиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

А. А. Громико Вашингтон вужудга келган стратегик мувозанатни ўз фойдасини кўзлаб бузишга, СССРдан ҳарбий устунликка эришишга, жаҳонда ўзи учун ҳукмрон позицияни таъминлашга зўр бериб уринаётганлигига Австрия делегацияси аъзоларининг эътиборини жалб этди. Бу эса АҚШнинг ҳарбий потенциали тинмай оширилаётганлигида, у қурол-яроғларнинг, шу жумладан, ядро ва химия қуролларининг янги турларини ишлаб чиқаришнинг кенг миқёсли программаларини амалга ошираётганлигида намоён бўлмоқда. Вашингтоннинг космик фазони ҳарбийлаштиришга оид режалари инсоният учун, айниқса, хавф туғдирмоқда. Бу режаларнинг амалга оширилиши уруш хавфини янада кучайтирган бўлур эди.

Кейинги вақтда Совет Иттифоқи илгари сурган тинчлик ташаббусларига, шу жумладан, совет томони ҳар қандай ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб қўйилганлигига ва АҚШни ҳам бундан намуна олишга чақирилганлигига Австрия парламенти делегацияси аъзоларининг эътибори қаратилди. Космос ҳарбийлаштирилмаган шароитда уни тинч ўзлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида СССРнинг БМТга киритган таклифи муҳим воқеа бўлди.

Ҳар иккала томон КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Р. Рейганнинг бўлажак учрашуви катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Австрия парламентининг аъзолари бу учрашув ижобий натижаларга олиб келади, деган умид билдирдилар. А. А. Громико учрашув муҳим аҳамиятга эга бўлади, деган фикрга қўшилди. Совет раҳбарлари ва барча совет кишилари учрашув якунлари кескинликни камайтиришга олиб келади ва тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади, деб умид билдирмоқдалар. Совет томони шундай бўлиши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилади.

Австрия парламентининг аъзолари совет таклифларига юксак баҳо бердилар. Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши қуролсизланиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш проблемасини ҳал этиш йўлидаги жиддий қадам бўлур эди. Суҳбатда ҳар иккала томон Стокгольм конференцияси ўз ишини сиёсий ва ҳарбий соҳада Европада хавфсизлик ва ишончни мустаҳкамлашга ҳақиқатан ҳам кўмаклашадиган биргаликдаги тадбирлар комплексини қабул қилиш билан муваффақиятли тугаллаши зарурлигини таъкидлади.

Икки томонлама алоқаларни муҳокама қилиш чоғида ҳар иккала томон давлат шартномаси принципларига ва Австриянинг доимий бетарафлик статусига асосланадиган Совет — Австрия муносабатларида эришилган даражадан мамнуният изҳор қилди. Бу муносабатларни янада ривожлантиришга бўлган ўзаро интилиш ҳам тасдиқланди. Суҳбат охирида ҳар иккала томон СССР Олий Совети ва Австрия парламенти делегацияларининг бир-бирларига визит билан боришлари бундан буён ҳам иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ишига фойдали ҳисса қўшади, деган ишонч изҳор қилинди.

(ТАСС).

